

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХТИЯРОВ МУХТОРЖОН ЯКУБОВИЧ

ЎЗАҚДОШ СЎЗЛАРДАГИ ДЕРИВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ
ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ
(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Бахтияров Мухторжон Якубович

Ўзакдош сўзлардаги деривацион жараёнларнинг чоғиштирма тадқиқи
(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)..... 3

Бахтияров Мухторжон Якубович

Сопостовительное исследование деривационных процессов
однокорневых слов (на примере английского и узбекского языков)..... 23

Bakhtiyarov Mukhtorjon Yakubovich

Comparative Study of Derivation Processes in Root Words
(with English and Uzbek examples)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХТИЯРОВ МУХТОРЖОН ЯКУБОВИЧ

ЎЗАҚДОШ СЎЗЛАРДАГИ ДЕРИВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ
ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ
(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil.275 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Қўлдашев Ақром Махмудович
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Рахимов Ганишер Худойкулович
филология фанлари доктори, профессор
Ибрагимхўжаев Исмоилхўжа Ибрагимхўжаевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» август оят 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2021 йил «13» август кuni тарқатилди.
(2021 йил «13» август да 18 рақамли ресстр баённомаси).



[Signature]
Г.Х. Боқиева
Илмий кенгаш берувчи
филол.ф.д., профессор

[Signature]
Х.Б. Самигова
Илмий кенгаш берувчи
филол.ф.д., доцент

[Signature]
Ж.А. Якубов
Илмий кенгаш берувчи
филол.ф.д., семинар раиси

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда асосий эътибор тилнинг реал, ҳақиқий вазифасини ўрганишга, лингвомаданий ва коммуникатив-синтактик жиҳатларига қаратилмоқда. Бу феномен тилнинг барча сарҳадларини чуқур ва мукамал билишга ҳамда тадқиқ этишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтиради, чунки тилнинг мавжудлик ва функционал-семантик қонуниятларини бу йўл билан тадқиқ этилиши ҳозирда жуда долзарб бўлиб турган тил луғат таркибининг бойиб бориши ҳодисаси, уларнинг потенциали каби муаммоларни англаб етиш, бу каби масалаларга ечим топиш заруриятини келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан чет тилини ўрганиш жараёнида сўзларнинг структурал-семантик жиҳатлари билан бир қаторда уларнинг деривацион потенциалини ҳам изчил талқин қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида муайян тилларда янги сўзларни яшаш ёки ўзлаштириш учун имплицит ва эксплицит жиҳатдан таъсир кўрсатувчи ўзига хос белгилар, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қиёсий-типологик методлар асосида атрофлича таҳлил қилинмоқда. Бугун дунёнинг кўплаб таълим муассасалари ва тадқиқот марказларида, хусусан, Рус тилшунослиги, Австралия ва Буюк Британиянинг Амалий тилшунослик мактабларида шунингдек, ўзбек тилшунослиги мактабларида дериватология масалаларига доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса табиий тилларни лексик-семантик, синтактик, морфологик ва лингвопрагматик жиҳатларининг бири-биридан турли даражада фарқланиши сабабли бир неча тиллар таркибида ўзаро чоғиштириб ўрганиш муҳим эканлигини кўрсатади ҳамда инглиз ва ўзбек тилидаги ўзақдош сўзларнинг қиёсий-функционал хусусиятларини тилшуносликнинг сўнгги ютуқлари ва амалдаги илғор усулларидан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқ этиш заруриятини юзага келтиради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда чет тилларни ўрганиш тизимини, фан ва таълимни амалиёт билан узвий интеграцияси жараёнларини такомиллаштириш, деривация ҳодисаси, унинг турлари ва қамров даражаси синтактик ҳамда семантик жиҳатдан атрофлича, бой лингвистик материаллар асосида тадқиқ қилиш илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда инглиз тили билан чоғиштира тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тараққиёт тамойилларига асосланган ҳолда «...илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг давлат дастурида устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва инновация фаолиятини такомиллаштириш тилшунослик соҳасида ҳам чуқур ва янгича изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 18 февраль, № 28 (6722).

«Харакатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 10 октябрдаги 816-сон «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида инглиз тили лексик тизимида деривация такомиллини таъминловчи омиллар масаласини ўрганишга кўплаб олимлар ҳисса қўшганлар. Хусусан Л.Блумфилд, Е.Курилович, К.Е.Циммер, Отто Есперсон, С.Нюман, Н.Марчанд, И.А.Уолш² ва бошқа тилшунослар инглиз тилидаги деривация, конверсия ҳамда транспозиция тўғрисида тадқиқотлар олиб борган.

Рус тилшунослигида деривация жараёнлари, транспозиция ҳамда унинг деривациядаги ўрни масалалари Н.Д.Арутюнова, Е.С.Кубрякова, А.В.Кунин, Л.А.Телегин, М.Н.Лапшина, Е.Н.Бобровская, И.Г.Тихонов, О.П.Аделева³ ва бошқа кўплаб олимлар томонидан ўрганилган. М.Н. Лапшина докторлик

² Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая // В кн.: Очерки по лингвистике. – Москва: Изд-во иност.лит., 1962.; Харрис З. Совместная встречаемость и трансформация в языковой структуре // Новое в лингвистике. – Москва: Иностранная литература, 1962, вып.2, – 683 с.; Bolinger D. Adjectives in English: attribution and predication // Lingua. 1967, vol. 18. – № 1.; Marchand H. Expansion, transposition, derivation // La Linguistique. – 1967, – № 1.; Уолш И.А. Некоторые спорные вопросы трактовки конверсии в современном английском языке // Морфемика и словообразование. – Ленинград: 1983.; Гринбаум С., Уиткат Дж. Словарь трудностей английского языка. – Москва: 1990. – 241 с.

³ Кубрякова Е.С. Деривация, транспозиция, конверсия // Язык и знание. – Москва, (1974) 2006. – С. 197-232.; Арутюнова Н.Д. Семантика и её место в деривационном процессе // Деривация и семантика. – Пермь: ПГУ им. А.М. Горького, 1986. – 309 с.; Тихонов В. Г. Ряды однокоренных производных глаголов в английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук, 10.02.04. Горький, 1983. – 194 с.; Бобровская Е.Н. Множественная деривация как источник полисемии производного слова: (на материале суффиксал. производно. прилагат. Современного английского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1984. – 189 с.; Телегин Л.А. Безаффиксальная транспозиция и ее влияние на процессы деривации в современном английском языке: Автореф. дисс. ... док. фил. наук. – Самарканд, 1992, - 37 с.; Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка //А.В.Кунин. 2-е изд. – М.: Высшая школа, – Дубна: Феникс, 1996. – 381 с.; Лапшина М.Н. Семантическая деривация в когнитивном аспекте (на материале английского языка): Дисс. ... д-ра филол.наук. – Санкт-Петербург, 1996. – 335 с.; Аделева О. П. Факторы, обуславливающие образование вторичных значений у производных аффиксальных существительных в английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук, 10.02.04. – Смоленск, 2011. – 215 с.

диссертациясида семантикага когнитив ёндашган ҳолда когнитив моделлардаги семантик силжиш ва семантик кўчиш билан уларнинг тарихий ўзгарувчан қирралари орасидаги алоқаларни тадқиқ қилган⁴. Л.А.Телегин ўзининг аффиксиз транспозиция ва унинг замонавий инглиз тили деривация жараёнига таъсири тўғрисидаги докторлик ишида инглиз тилидаги деярли барча тил бирликлари асосида аффиксиз деривация масаласини ўрганган⁵.

Деривацион транспозиция ҳодисаси ўзбек тилида кам тадқиқ этилган соҳалардан бири. Бу борада ўзбек тилшунослигида А.Ғуломов, А.Ҳожиёв, У.Турсунов, Б.Мадалиев, Н.Турниёзов, Ф.Шодиев ва С.Шодиев⁶ каби тилшуносларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур тадқиқот иши юқорида қайд этилган тадқиқот ишларидан деривацион транспозиция ҳодисасининг инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзакдош сўзлар доирасида ўрганиши билан фарқ қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-245/11 «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Замонавий тилшуносликнинг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзакдош сўзларнинг деривацион транспозиция жараёнларини чоғиштириш орқали уларнинг функционал-семантик хусусиятларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тилларида келиб чиқишига кўра ўзакдош бўлган феъл, от ва сифат сўз туркумлари деривациясининг тўлиқлигини таъминловчи морфологик омилларни аниқлаш, уларнинг ўхшаш ва фарқловчи хусусиятларини белгилаш;

ўзакдош бўлган феъл, от ва сифатлар деривациясида семантик-структуравий белгиларнинг турли хил сатҳларда фаоллашувини таҳлил қилиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзакдош феъл, от ва сифатларнинг транспозициясини таъминловчи омилларни структуравий-функционал ва контекстуал-семантик жиҳатдан таҳлил қилиш, ўхшаш ва фарқловчи жиҳатларни очиб бериш;

инглиз ва ўзбек бадий матнларидаги ўзакдош феъл, от ва сифат лексик бирликлар структураси ҳамда уларнинг деривацион потенциалини ҳозирги

⁴ Лапшина М.Н. Кўрсат. асар: – Б. 6.

⁵ Телегин Л.А. Кўрсат. асар: – Б. 37.

⁶ Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз ясалиши йўллари ҳақида // Тил ва адабиёт институти асарлари. I к. – Тошкент: Фан, 1949. — 226 б.; Ҳожиёв А.П. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. – Тошкент: O'qituvchi NMIU, 2007. – 168 б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 399 б.; Мадалиев Б. Сложные слова в современном узбекском языке, Автореферат канд. дисс., Ташкент, 1956.; Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990. – 164 б.; Шодиев Ф.Т. Ҳозирги ўзбек тилида бир бўғинли сўзларнинг структур-семантик талқини ва деривацион хусусиятлари. Автореф. канд. дисс., – Тошкент, 2008; Шодиев С. Турғун сўз бирикмаларининг синтактик деривацияси. Автореф. канд. дисс., – Самарқанд, 2020

кунда мавжуд бўлган сўз яшаш ва морфем луғатлар асосида аниқлаш, шунингдек, ҳар икки тил нутқий вазиятининг сўз танлашга таъсири даражасини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги от, сифат ва феъл сўз туркумларига мансуб ўзакдош сўзлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзакдош феъл, от, сифат сўз туркумлари функционал деривациясининг морфологик, структур-семантик белгилари ҳамда контекстуал хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида чоғиштирма, дистрибутив таҳлил, субституция, компонент таҳлил, қиёсий-типологик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек бадий матнларидаги ҳар икки тилга оид ўзакдош от, сифат ва феъл бирикмалар деривацион моделларининг статистикасини лексикографик таҳлил асосида аниқлаш орқали уларнинг қўлланилишидаги феъл бирикмалар семантик компонентларининг ўзига хос изоморфик ва алломорфик жиҳатлари очиқ берилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзакдош от, сифат ва феъл бирликлари структур-семантик моделларини шакллантирувчи морфологик бирликлар – сўз ясовчи қўшимчалар ва предлогларнинг ҳар икки тилга оид ўзакдош сўзлар ясаилишида кузатиладиган ўхшаш ҳамда тилларнинг ўзига хослигини таъминловчи фарқли жиҳатлари чоғиштириш орқали аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларида морфологик ва синтактик сатҳларда от, сифат ва феъл сўз туркумларига мансуб ўзакдош сўзлар деривацион потенциалининг фаоллик даражаси ўзбек тилига нисбатан инглиз тилида юқори эканлиги, бу кўрсаткич тилларнинг ички табиати билан изоҳланиши илмий-назарий далиллар асосида дистрибутив метод орқали аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги от, сифат ва феъл сўз туркумларига мансуб ўзакдош сўзлар деривациясининг кенгайиш кўлами инглиз тилида предлогларга, ўзбек тилида эса сўз ясовчи морфологик омилларга хос эканлигини аниқлаш орқали, уларнинг тил луғат бойлигини таъминловчи ҳар икки тилга оид функционал белгилари (сўз яшаш имкониятлари) далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида ўзакдош сўзлар деривацион жараёнининг чоғиштирма тадқиқи натижаларига доир илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзакдош сўзларни сўз туркумлари сифатида ўрганиш жараёнида деривацияга сабаб бўладиган лингвистик омиллар ҳисобга олинди ва бу борада берилган хулосалар инглиз тили лексикологияси, назарий грамматикаси, қиёсий типология, таржима назарияси каби назарий фанларнинг ўқув дастурига сингдирилган;

инглиз ва ўзбек тилларида деривация ҳамда транспозиция жараёнларида кузатиладиган умумий-хусусий жиҳатлар таҳлиллар орқали далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги англистика ва германистикада кейинги ўн йилларда эришилган

ютуқлар, назарияларга, шунингдек, туркий ҳамда дунё тиллари морфологияси, ўзакдош сўзлардаги деривацион жараёнларнинг чоғиштирма тадқиқи (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида) ҳамда лексикологияси соҳасига оид бир қатор бизгача бажарилган тадқиқотларнинг илмий жиҳатдан асосланган натижаларига таянган ҳолда бажарилди шунингдек, тадқиқот моҳиятидан келиб чиқиб танланган таҳлил методлари диссертация натижаларининг ишончилигини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация материаллари ҳамда хулосаларидан инглиз тили назарий грамматикаси, инглиз тили лексикологияси, стилистика, матн таҳлили, қиёсий типология, таржима назарияси ва амалиёти фанлари бўйича маъруза матнларини тайёрлаш, дарслик ҳамда қўлланмаларни такомиллаштиришда, махсус курслар учун қўшимча материаллар яратишда, инглиз ва ўзбек тилларининг замонавий изоҳли, таржима луғатларининг тегишли ўринлари, шунингдек, хулосаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти борасида олинган хулосалардан тилшуносликда ўзакдош сўзлар деривацион потенциали ва унинг реализация кўлами ҳамда мавжуд вариантлар қатлаמידан тўғри элементни танлаб олиш критерияларини ишлаб чиқиш, шу йўл билан хорижий тилларни турли босқичда ўрганувчилар учун яратилаётган турли мукаммаллашган ўқув-услубий адабиётлар яратиш учун назарий ҳамда амалий тавсияномалар ишлаб чиқиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида ўзакдош сўзлар деривацион жараёнларининг лексик ва морфологик хусусиятларини очиқ беришда олинган илмий натижалар асосида:

инглиз ва ўзбек бадий матнларидаги ўзакдош феъл, от ва сифат лексик бирликлар ҳамда бирикмаларнинг чоғиштириш орқали тадқиқотга тортилган морфологик, лексик-семантик, функционал-семантик ва синтактик усуллар орқали ясашига доир хулоса ва таклифлардан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан хужжатлар таржимаси жараёнида ўзакдош сўзларни инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидаги ўзакдош сўзларни инглиз тилига таржима қилишда фаол фойдаланилган (Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази 2019 йил 11 июндаги 03/1355-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотдан ўрин олган материаллар ҳуқуқий масалаларни янада мукаммал ва кенг қамровли ёритилишига асос бўлган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги от, сифат ва феъл сўз туркумларига мансуб ўзакдош сўзлар деривациясининг тўлиқлигини таъминловчи морфологик омилларнинг икки тилга мансуб функционал белгиларига доир назарий хулосаларидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-219-рақамли “Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1, даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш”

мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бакалаврлар (инглиз тили) учун яратилган “Grammar” ва “Vocabulary” ўқув қўлланмалар мавзуларини ёритишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4299-сон маълумотномаси). Натижалар талабаларга дарс ўтиш мақсадида яратилган ўқув қўлланмалари материалларини бойитишда манба бўлиб хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзакдош от, сифат ва феъл бирликлари структур-семантик моделларининг қиёсий таҳлили асосида олинган назарий хулосаларидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-219-рақамли “Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1, даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бакалаврлар (инглиз тили) учун яратилган “Grammar” ва “Vocabulary” ўқув қўлланмалар мавзуларини ёритишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4299-сон маълумотномаси). Натижада тақдим этилган материаллар инглиз ва ўзбек халқларига оид умумий ва хусусий вазиятларни аниқлаштиришда таржима жараёнидаги морфологик ва структур-семантик хусусиятларга оид муаммоларни хал этишда хизмат қилган;

инглиз тилини ўқитишда ҳар икки тилга оид ўзакдош от, сифат ва феълли бирикмалар семантик компонентларининг изоморфик, алломорфик белгилари ва уларнинг фонетик, морфологик-синтактик, семантик хусусиятлари, ўзига хос ўхшаш ва фарқланиши тадқиқига оид олинган илмий хулосалардан шунингдек, хорижий тил таълими жараёнини оптималлаштириш бўйича берилган тавсия ва хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан амалиётга тадбиқ этилган шунингдек, “Таълим ва тараққиёт”, “Бедорлик”, “Миллат ва маънавият” номли эшиттиришларнинг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси 2020 йил 11 ноябрдаги 04-25-1083-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг инглиз тилида эркин мулоқотга киришиш қобилиятларини такомиллаштиришда, радиотингловчиларга, жумладан филологик ва нофилологик йўналишларда таълим берувчи хорижий тил профессор-ўқитувчилари ва талабаларга маълумот беришда хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, 12 та илмий мақола ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган. Ишнинг мазмуни мазкур ишларда ўз аксини тўлиқ топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми иловалар ва адабиётлар рўйхатидан ташқари 144 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Инглиз ва ўзбек тилларидаги деривация ходисасининг назарий асослари ва илмий адабиётдаги талқини”** деб номланган биринчи бобида деривация жараёнининг тилшуносликдаги дастлабки талқини, унинг ўрганилиш тарихи ва ўзига хос хусусиятлари, унинг бошқа лингвистик жараёнлар билан ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари тадқиқига оид манбаларда келтирилган фикрлар баён этилган, уларга муносабат билдирилган, деривацион жараёнларнинг тилдаги турли кўринишлари ва тилнинг барча сатҳларида кўзга ташланиши ҳақидаги мавжуд фикр-мулоҳазалар ҳамда транспозицияга семантик деривация сифатида қарашлар ўрганилган.

Тилшунослик фанининг бугунги тараққиёт даврига қадар тил тизими билан боғлиқ жуда кўп муаммоли жараёнлар ўрганилиб, тадқиқ этилган. Бу ҳолатни умумий тилшунослик доирасида ҳам шунингдек, ўзбек тилшунослиги доирасида ҳам айтиш мумкин.

Жаҳон тилшунослиги тараққиётига Ф.де Соссюр, Ш.Балли, Е.Курилович, Л.Блумфилд, В.Ф.Гумбольдт, Бодуэн де Куртенэ, А.Мартине, Л.Теньер, Н.С.Трубецкой⁷ каби кўпгина тилшунос олимлар томонидан бажарилган тадқиқот ишлари салмоқли ҳисса бўлиб қўшилдики, буни бугун барча тилшунослар тўлиқ эътироф этишмоқда. Тилшунослик фани барча фанлар сингари доимо ривожланишда. Шу туфайли тил илмида бугунги кунда ҳам муаммоли жараёнларнинг бўлиши табиийдир. Бундай муаммолар сирасига деривация ходисасида етарлича ўрганилмаган ўзақдош сўзлар

⁷ Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике. – М., 1990. – С.36.; Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Изд. иностр. лит., 1955. – 415 С.; Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая // Очерки по лингвистике. – М.: Иностранная литература, 1962.; Блумфилд Л. Язык. – Москва: Либроком, (1968) 2010. – 608 с.; Wilhelm von Humboldt. Linguistic Variability and Intellectual Development. – The USA: Penn Press, 1972, – 320 p.; Baudouin de Courtenay. The Beginnings of Structural Linguistics. – Bloomington: Indiana University Press, 1972. – 396 p.; Martinet Andre. Elements of General Linguistics. – London: Oxford University Press, 1966, – 693 P.; Tesnière Lucien. Elements of Structural Syntax. [English translation of Tesnière 1966]. John Benjamins, Amsterdam. (1976) 2015. – 698 P.; Trubetzkoy N.S. Studies in General Linguistics and Language Structure. – London: Duke Univ. Press, 2001. – 324 P.

масалаларини ҳам киритиш мумкин. Зеро, инглиз тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам бир асосли сўзлар деривацияси тадқиқини ҳозирги кунга қадар ҳам тугал деб бўлмайди.

Маълумки, тилда мавжуд бўладиган ҳар қандай янги сўз, ўзининг бошланғич шаклини нутқдан олади ва шу билан ясама сўзнинг нутққа қарамлиги ўз ниҳоясига етади. Ясалган сўзнинг кейинги ҳаёти нутқда давом этади, яъни ясама сўз маълум вақт давомида нутқий фаолият синовидан ўтганидан кейин ўзига тегишли аналогик шакллар парадигмасидан ўрин эгаллайди. Шу каби синовлардан тўлиқ ўтган дериватларгина тил бирлиги мақомини олади ва бошқа парадигмадошлари билан бирга тилни янги ясалмалар билан бойитувчи восита сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

Тилшуносликда морфема термини жорий этилгунига қадар сўз ясаиш ҳодисасининг талқини сўз маъноси ва шакллари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиб келинган. Морфемаларнинг алоҳида тил бирлиги сифатида ажратилиши сўз структурасидаги сўз ясовчи ва шакл ясовчи каби функционал қисмларни фарқлашда алоҳида аҳамият касб этган. Бунинг натижасида ўтган асрнинг 60-йилларига келиб сўз ясаишининг морфологик ҳодисалар билан боғлиқ алоҳида ҳодиса эканлиги ҳақидаги ғоялар илгари сурила бошланди.

Сўз ясаиши биргина ясама сўз мақомидаги birlikларни вужудга келиш жараёнини ўзида акс эттириш хусусиятига эгаллиги билан характерланади. Морфема ва сўз ўртасидаги иерархик муносабат таҳлили шуни кўрсатадики, морфема нафақат ўзининг функционал фаоллигини таъминлаш учун, балки сўзнинг шаклланиши ва функционал қимматга эга бўлиши учун ҳам хизмат қилади. Зотан, сўз тилнинг маъно англатувчи ана шу кичик бирлигидан ташкил топади ва бунинг натижасида морфемадан тубдан фарқ қилувчи янги birlik вужудга келади⁸. Ушбу ҳолат эътиборга олинган ишларда тилдаги ясаиш жараёни билан алоқадор ҳодисаларни деривацион тамойиллар асосида тадқиқ этиш масаласини илгари суради.

Келтирилган мулоҳазалар сўз ясаиши, шунингдек, қўшма сўзларнинг ясаишига доир дастлабки қарашлар тилшунослик тарихининг энг қадимги даврларидан бошланганидан далолат беради. Хусусан, Ўрта Осиё тилшунослигида бу масаланинг илк тадқиқи М.Қошғарийнинг “Девону луғати-т-турк”, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида кўзга ташланса⁹, Европа тилшунослигида XVIII-XIX асрларга доир манбаларда тилга олинади. Хусусан, В.фон Гумбольдт меросида тил шакли ва унинг аналогик табиатига доир қарашлари, Ф.де Соссюр ижодида эса синтагмаларнинг аналогик хусусиятлари ҳамда аналогик формаларнинг ясаиши ҳақидаги қарашлари шулар жумласидандир.

Деривация тушунчаси бугунга қадар сўз ясаиши тушунчасининг мантиқий синоними сифатида қўлланиб келинган эди, чунки уларнинг асосий тамойили муштаракдир. Лекин сўз ясаиши ва деривация ҳодисаси бири-биридан тубдан фарқ қилади. Деривация сўз ясаишига нисбатан кенг камровли

⁸ Хайруллаев Х.З. Тил ва нутқ birlikларининг иерархик муносабатлари. Автореф. док. дисс., – Тошкент, 2018. – Б. 20.

⁹ Қошғарий М. Девону луғатит турк. I том. – Тошкент: Фан, 1960. – 500 б.

тушунча эканлигини дериватология масалалари доирасида олиб борилган тадқиқот ишларида ва монографияларда ҳам кузатишимиз мумкин¹⁰.

Шу ўринда айтиш жоизки, рус тилшунослигида синтактик деривация ҳодисасининг тадқиқига жиддий эътибор қаратилди ва бунинг натижасида турлича таҳлил усуллари истеъмолга киритилди. Л.Н.Мурзин синтактик бирликлар ясалишини синтактик деривация атамаси остида ўрганади¹¹. Буни олимнинг тадқиқотларида аниқроқ кузатамиз. Муаллифнинг фикрига кўра, оддий гапдан мураккаб, ноэлементар гапларни ҳосил қилишнинг асосий йўли контаминация бўлиб, у деривациянинг аҳамиятли жараёнларидан бири саналади. Унинг моҳияти шундан иборатки, тайёр гапларнинг ўзаро муносабати янги гапнинг ҳосил бўлишига олиб келади¹². В.С.Храковский эса бу икки ҳодисани фарқлаб ўрганишга уринади¹³.

М.Касырева “Ўзакдош сўзлар орасидаги системали муносабатларни когнитив моделлаштириш бирлиги сифатида деривацион-фрейм парадигмаси”¹⁴ номли номзодлик диссертациясида лексик ривожланишнинг деривацион жараёнларини когнитив жиҳатдан кўриб чиққан. Объект сифатида интернационал асосга эга бўлган рус, инглиз, немис, испан, итальян ва француз тилига оид ўзакдош сўзлар танланган.

Тадқиқотимиз давомида дериватология масалаларининг бугунги кунда тилшуносликнинг барча сатҳларида кузатилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, дериватология муаммолари тилнинг бошқа сатҳларига нисбатан синтактик сатҳида тадқиқ этилиши фаолроқдир.

Ўзбек тилшунослигида ҳам дериватология масалаларига бағишланган салмоқли ишлар бажарилган: илмий мақолалар ёзилган, диссертациялар, монографиялар ишланган бироқ, қиёсланаётган ҳар икки тилда ҳам ўзакдош сўзлар деривациясига доир тадқиқотлар ўз ечимини кутиб турибди¹⁵.

Н.Турниёзов ўзбек тилининг деривацион синтаксиси муаммолари тадқиқига бағишланган монографиясида сўз бирикмаси (эркин бирикма назарда тутилган) ва гапнинг қурилиши, уларнинг кенгайиб боришини деривацион ясалиш деб кўрсатади¹⁶. Б.Турниёзов анъанавий тилшунослиқда кўшма гапларнинг “боғловчисиз боғланган”, “тенг компонентли” деб номланувчи турини синтактик деривация деб талқин қилади¹⁷. Ғ.Яхшибоев ҳам содда

¹⁰ Турниязов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990.

¹¹ Мурзин Л. Н. Основы дериватологии. – Пермь, 1984. – С. 124.

¹² Ўша манба – Б. 124.

¹³ Храковский В. С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики. – Москва, 1973. – С. 492.

¹⁴ Касырева М.С. Деривационно-фреймовая парадигма как единица когнитивного моделирования системных отношений между однокоренными словами: на материале интернациональной лексики: Автореф. по ВАК РФ 10.02.19, кандидат филологических наук. – Кемерово, 2008.

¹⁵ Қаранг: Турниязова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн тилининг, матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2010; Турниязов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990; Четин М. Ҳозирги ўзбек ва турк тилларида сўз бирикмалари синтактик деривацияси: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2002; Холияров Л. Ҳозирги замон немис тилида содда гаплар деривацияси: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2004; Шодиев Э. А. Навоий ва форс тожик адаблари. – Тошкент, 1989.

¹⁶ Турниязов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990.

¹⁷ Турниёзов Н.К., Турниёзов Б., Турниёзова Ш. Ўзбек тили деривацион синтаксиси. – Тошкент: Наврўз, 2011. – Б. 107.

гапларнинг синтактик деривацияси тамойилларини тилшунослик фанининг сўнги ютуқларига таянган ҳолда тадқиқ этади¹⁸. А.Ғаффоровнинг номзодлик ишида парцеллятив ва иловали курилмаларни синтактик деривациянинг маҳсули деб кўрсатади: «Парцелляция – бир гапнинг бўлақларга бўлинган ҳолати: *Баҳодир Тошкентда Темир йўллар институтида ўқийди/Баҳодир ўқийди. Тошкентда. Темир йўллар институтида.* Бундай курилмали гаплар синтактик деривация маҳсулидир»¹⁹.

М.Лапшинанинг эътирофича, семантик деривация инсоннинг англаб етиш қобилиятига, билим кўлами ва тушунчасига асосланади. Ушбу тушунча илмий билим парадигмасининг замонавий антропологиясидан келиб чиқади, яъни инсон дунёни ўзининг ундаги амалий ва назарий фаолияти, тушуниши орқали англаб етади²⁰.

Транспозициянинг субстантивация, адвербиализация, адъективация деб номланган турлари таҳлилга тортилиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилди. Шунингдек, транспозиция ва деривация жараёнлари мисоллар асосида таҳлил қилиниб, уларнинг фарқли хусусиятлари аниқланди. Сифатларнинг нутқда сифатланмишсиз кўлланиб, от каби шаклга кириши ва гапда отлар каби номинал синтактик вазибаларни бажариш ҳодисаси тилшуносликда транспозиция деб аталади²¹. Транспозицияда бирламчи шаклда ўзаро алоқага киришаётган сўзлар нутқда ўзларининг иккиламчи белгиларини бошқа сўзда намоён этади. Тадқиқотимизда ана шу хусусият транспозициянинг семантик деривацион жиҳати сифатида талқин этилди. Масалан: *A duck* (ўрдак) – *to duck* (сувга шўнғимоқ); *a fish* (балиқ) – *to fish* (балиқ овламоқ); *an ape* (маймун) – *to ape* (кимнидир майна қилмоқ);

Ўзбек тилида: *қуён юрак* (қўрқоқ), *пахта* қўймоқ (яхши кўриниш мақсадида лаганбардорлик қилиш), *айиқ* (дангаса, ландовур, тепса-тебранмас), *тулки* (айёрлик, вазиятдан устамонлик билан чиқиб кетиш)²².

Транспозициянинг семантик деривация сифатида баҳоланиши тилда субстантивация ҳодисаси билан боғлиқ айрим назарий ҳодисалар, шунингдек, транспозицияга боғлиқ бошқа кўплаб назарий ва амалий масалаларнинг ечимини таъминлашга хизмат қилади.

Диссертациянинг “**Инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзакдош сўзлар деривациясининг контекстуал жиҳатлари**” деб номланган иккинчи боби учта фаслдан ташкил топган бўлиб, унда инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзакдош от, сифат ва феъл birlikларининг семантик-структуравий моделлари таҳлил қилинган. Ҳар икки тилнинг ўзакдош сўзлар деривациясида транспозициянинг тутган ўрни қиёсий-типологик метод асосида ўрганилган, шунингдек, инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзакдош сўзлар

¹⁸ Яхшибоев Ғ. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2004.

¹⁹ Ғоффоров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцеллятив ва иловали курилмаларнинг синтактик деривацияси: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Самарқанд, 1997.

²⁰ Лапшина М.Н. Семантическая деривация в когнитивном аспекте (на материале английского языка): Дисс. ... д-ра филол. наук. – Санкт-Петербург, 1996. – С. 36.

²¹ Ҳожиёв А.П. Ўзбек тили сўз ясаиш тизими. – Тошкент: О'қитувчи, 2007. – Б. 115.

²² Қуён бўлмоқ – ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 том. 2006. 364 – бет.

деривациясида кузатиладиган ҳолатлар, ёндош ҳодисалар таҳлил қилиниб, уларнинг алломорфик ва изаморфик жиҳатлари аниқланган.

Ҳозирги кунгача транспозиция ҳодисаси инглиз ва ўзбек тиллари мисолида алоҳида объект сифатида жуда кам ўрганилган. Инглиз тилида бу ҳодиса Е.С.Кубрякова²³, Л.А.Телегин²⁴ томонидан ўрганилган бўлса, ўзбек тили мисолида А.Ҳожиёв²⁵, Ш.Раҳматуллаев, С.Абдурахимовлар томонидан тадқиқ қилинган.

Инглиз тилидаги *a work (иш)*, *a worker (ишчи)*, *to work(ишламоқ)*; *a love (севги)*, *to love (севмоқ)*, *a lover (севикли ёки севилган шахс)*; *a smoke (тутун)*, *to smoke (чекмоқ)*, *a smoker (чекувчи)*; *a sew (тикуш)*, *to sew (тикмоқ)*, *a sewer (тикувчи)* каби ясама сўзларнинг ўзакдошлик потенциали таҳлили кўриб чиқилганда, деривацион парадигмани ҳосил қилаётган *a worker – to work* парадигмалари ўзакдош деривацияни; *a love – to love* ясалмалари транспозицияни; *a work – to work* деривацияси эса ўзаро ўзакдошликни; *a smoke – to smoke* қурилмасида деривацион ўзакдошлик, *a smoke – to smoke* парадигмасида эса транспозиция ҳодисаси аниқланди. Кейинги *to sew, a sew* ва *a sewer* парадигмаларида деривацион ўзакдошлик, юзага келмакда. Бу каби жараён ўзбек тилидаги ўзакдош сўзлар парадигмасида қуйидагича таснифланди:

Ўзбек тилида: *гул + чи*, *гул + зор*, *гул + ла*, *гул + сиз*, *гул + дон*, *гул + қайчи*.

Юқорида берилган ўзакдош сўзлар парадигмасидаги *гул + чи*, *гул + ла*, *гул + сиз* деривацион қурилмалари транспозицияни юзага келтирмоқда. *Гул + чи*, *гул + зор*, *гул + дон*, *гул + қайчи* – каби от + от ясовчи қурилмали деривациялар транспозициянинг семантик деривациясини юзага келтирмоқда. Чунки бу сўзлар бир (от) сўз туркуми доирасида ясалган бўлиб, отнинг бошқа маъно турларини ҳосил қилган.

Демак, транспозиция жараёни бир сўз туркуми доирасида ҳам бир неча сўз туркуми доирасида ҳам кузатилиши мумкин.

Қийсланаётган тилларда ўзакдош сўзларнинг ясалиши жараёнида феълнинг бошқа туркумларга монанд шакллари турлича модел ва кўринишларда намоён бўлади. Инглиз ва ўзбек тиллари тизимида худди шу жиҳатдан айрим ўхшашликлар қаторида маълум ноўхшашликлар ҳам кузатилди. Уларга биринчи навбатда ўзбек тилидаги феълларда кўплик қўшимчасининг мўллиги ва инглиз тилидаги феълларда бундай хусусиятнинг йўқлиги хосдир. Ҳар икки тилнинг ўзакдош сўзлар деривациясида кузатилган бундай ҳолатларнинг илмий таҳлили кўриб чиқилди ҳамда уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари изоҳланди.


Ишнинг амалий тадқиқи сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзакдош сўзлар деривацион потенциали статистик жиҳатдан ўрганилди, инглиз

²³ Кубрякова Е. С. Деривация, транспозиция, конверсия // Вопросы языкознания. – 1974. – № 5. – С. 64–76.

²⁴ Телегин Л.А. Безаффиксальная транспозиция и ее влияние на процессы деривации в современном английском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Самарканд, 1992. – 237 с.

²⁵ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 163 б.

тилидаги ўзакдош сўзларнинг тахминий ёки яқинлаштирилган миқдорини аниқлаш учун асосан 2 та салмоқли луғатдан фойдаланилди²⁶. Бунда инглиз тилида ўзбек тилидан фарқ қилган ҳолда от ва феъл сўз туркумларида ўзакдош сўзларнинг ясалиши миқдор жиҳатдан кўп эканлиги ва аксинча, ўзбек тилида инглиз тилидагига нисбатан сезиларли миқдорда кам эканлиги маълум бўлди. (1-расмга қаранг)



1-расм. Инглиз ва ўзбек тилларида ўзакдош сўзлар статистикаси

Инглиз тилида **259** та ўзакдош сўзлар учун асос бўлган қисм кўриб чиқилди. Ҳар биридан ўртача **10** тадан **15** тагача ўзакдош сўз ясалганда **3500** та ўзакдош сўз ҳосил бўлиши аниқланди. Ўзбек тилида эса **150** та ўзакдош сўзлар учун асос бўлган қисмлар кўрилиб, уларнинг ясалиш миқдори **5** тадан **10** тагача эканлиги ва умумий ҳисобда **1100** та ўзакдош ясалиши аниқланди.

Бу эса ҳар икки тилнинг ўзига хос структураси ва табиати билан изоҳланади, яъни инглиз тилида ўзакдош сўзларнинг ясалишига хизмат қиладиган предлоглар ўзбек тилига таржима қилинганда уларнинг ҳар доим ҳам ўзбек тилидаги қўшимчаларга мос келвермаслиги, мос келганда ҳам, ўзбек тилидаги сўз ясовчи морфемаларга эмас, балки муносабат шакллари ҳосил қиладиган келишик, кўмакчи ва феълнинг каузатив маъно кўрсаткичларига тўғри келиши аниқланди. Ўзбек тилида бу қўшимчалар янги сўз ясамайди, балки сўз шаклини ҳосил қилади²⁷.

Инглиз тилида сўз ясовчи қўшимчаларга ўтимли ва ўтимсизлик ҳосил қилувчи бир қанча олд қўшимча ва қўшимчаларни киритиш мумкин. Масалан: *accelerate* - *тезлашмоқ*, *тезлашмоқ*, *alternate* - *алмашмоқ*, *бир* - *бирининг ўрнини босмоқ*. Бошқа сўз туркумларидан ясалган феъллар ё ўтимли, ё ўтимсиз бўлади. Мазкур усул ҳозирги инглиз тилида кўп қўлланади. Бу усул воситасида сўз туркумларининг барча негизларидан феъл ясалади²⁸.

Деривация жараёни конверсия, ўзак ёрдамида сўз яшаш, функционал кўчим, транспозицион кўчиш ва бошқа турдаги кўчимларни ўз ичига олади²⁹.

²⁶Webster's New International Dictionary of the English Language. – 2004.

²⁷ Ҳожиёв А.П. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. – Тошкент: О'қитувчи, 2007. – Б.115.

²⁸ Thompson A.J. and Martinet A.V. A Practical English Grammar for Foreign Students. – London: Oxford University Press, 1972.

²⁹ Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая // Очерки по лингвистике. – Москва: Иностранная литература, 1962.

Шунинг учун улар ўртасидаги ўхшашлик, фарқ, чегаралар ва иерархик структураларни аниқлаб олиш керак бўлади. Мазкур тадқиқот ишида транспозицион кўчиш ҳодисалари ёндош ҳодисалар (конверсия, функциядошлик) термини остида тадқиқ этилди. Лексик йўл билан сўз яшаш тил грамматик тизимига тегишли бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумга кўчишидир. Бундай кўчишларнинг илдизи тил тарихининг энг қадимги босқичларига – ҳали сўз туркумлари орасида аниқ белгиланган фарқланиш бўлмаган даврларга бориб тақалади. Қадимда бунинг кўриниши бир сўзнинг ажралмаган ҳолда бир неча туркум маъносида фаол деривацион ҳодиса сифатида грамматик полисемия ҳолида бўлса, ҳозир маълум туркумга ўтиши транспозицион кўчиш сифатида баҳоланади. Бу параграфда транспозицион кўчишнинг субстантивация (отлашиш), адъективация (сифатлашиш), адвербиализация (равишлашиш) каби турлари таҳлил қилинди.

Субстантивация от бўлмаган сўзларнинг от каби қўлланиши. Инглиз тилидаги ўзакдош сўзларнинг отлашиши таҳлили кўрилганда уларнинг ўзбек тилидаги отлашиш ҳодисасидан синтактик ва семантик жиҳатдан фарқланиши кузатилди: *to dance-dance, to jump-jump, to leap-leap, to rise-rise, to run-run, to smell-smell*.

Ўзбек тилида “*тинчини берсин*” (тинчлик-хотиржамлигини), “*гулчини кўрмоқ*” (гул билан шуғулланадиган шахс), “*сувоқчини чақирмоқ*” (сувоқчи одам), “*чегарачининг ўгли*” (чегарани кўриқлайдиган шахс) сингари “*адъективация* ҳодисасининг ўзбек тилидаги асосий кўриниши отларнинг сифат вазифасида қўлланиши ва сифатдошларнинг сифатга кўчишидир”³⁰. (Ундов, олмош ва феълларнинг сифатга кўчуви озроқ учрайди). Инглиз тилида: *to clean-clean, to change-change, to spot-spot*.

Ўзбек тилида: Еридан *айрилган* етти йил йиғлар, элидан *айрилган* ўлгунча йиғлар (*Мақол*). Бу ўринда сифатдош отлашган.

Отнинг грамматик жиҳатдан шаклланмаган ҳолда сифат вазифасида келиши “от аниқловчи вазифасида қўлланилиб, шу йўл билан сифатга ўтган; сифат отдан келиб чиққан”³¹ мазмунидаги фикрнинг тўғрилигини яна бир марта кўрсатади. *Адвербиализация* ҳодисасида сўз маълум келиши шаклида қотиб, равишга кўчади: Инглиз тилида: *East or west – Home (om) is best. Then he went home (равиш)*. Ўзбек тилида, кўпинча, синтактик усулда кўчиш характерли бўлади.

Транспозицион кўчиш ҳодисаларининг тилдаги аҳамияти шундаки, улар нутқнинг услубий бўёқдорлигини ошириш билан бир қаторда тилнинг тежамкорлик тамойилига амал қилади.

Кўринадикки, дериватология муаммоларига доир изланишлар жаҳон тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам анча салмоқли. Бироқ олиб борилган тадқиқотларнинг асосий қисмини синтактик дериватология масалаларига оид ишлар ташкил этади. Таҳлиллар натижасида инглиз тилида ўзакдош сўзлар деривацияси потенциали ўзбек тилидаги ўзакдош сўзлар

³⁰Vendler Z. Adjectives and Nominalizations. – The Hague: Mouton, 1968. – 136 p.

